

83.3(5Ў)
О-27

Тузувчилар: Турсун АЛИ
Кулдузой ХУСАНБЕКОВА

Масъул муҳаррир: Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

Одам тўғрисида одамлар (педагогика фанлари доктори, профессор, синчи, методист ва 60 ёшли оддий бир одам Қозоқбой Йўлдошевнинг кимлиги, қандайлиги тўғрисида чордошлари). Тузувчилар: Т. Али, Қ. Хусанбегова; масъул муҳаррир Ж. Йўлдошбеков; кириш сўзи Шукруллониқ. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 284 б

1. Али Т., тузувчи.

ББК 83.3(5Ў)

ISBN 978-9943-06-206-1

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, Тошкент, 2009 й.

ИЧКИ/ДАГИЛАР

Устозлар олқови

Шукрулло. Ёниқ сўзининг ишласи	6
Эркин Самандар. Ҳаммаси таққиддан бошланди	8
Босим Тўйчибоев. Синчи	12
Турсунбой Адашбой. Сўхбат кетса	20
Пирмат Шермухаммедов. Вақтнинг тизгиналаган олим	21
Омон Мухтор. Дўст-биродар билан ошпа-ошанининг фарқи	24
Муҳаммад Али. Олимнинг англаш йўли	26
Зоҳир Аалам. Курашларда чиниққан	30

Ижодкорлар иккори

Асид Дилмурод. Ҳайрат ва қалам	34
Ҳалима Худойбердиева. Бадийи сирлар калити	40
Азим Султон. Дўст ва олим ҳақида сўзим	44
Абусаид Кўчим. Учирув	50
Абдухалиқ Абдураззоқ. Яхшилик соғиниб келдик	64
Турсун Али. Қизгалдоқзор қирларда	74
Абдурашид Нурмурод. Қалб илмиши	77
Ўктамоёй. Бузув	81
Нормурод Норқобил. Тирик виждон	83
Саломат Вафо. Ҳақиқат манбаи ҳиссиётдир	84
Абдуқалом Йўлдош. Завқланиб яшаш бахти	88
Собир Умар. Закий муаллим	93
Ахтамқул Карим. Ижод аҳли ҳалоскори	96
Луқмон Бўрихон. Излаётган одам	97
Улуғбек Ҳамдам. Илм ва муҳаббат бирлиги	102
Исмон Шомурод. Миллатсуяр олим	105
Зухра Мамадалиева, Ойгул Асқобек. Сўзга муҳаббат	108

Педагоглар эътирофи

Наёз Муслиев. Сийрати сувераниданда гўзал	112
Улуғбек Долимов. Синчков олим	117
Сатубар Нишопова. Сарин шабада	122
Сафо Матжон. Илмий таҳсил ва эътироф таълими	122

Назира Гулмова. Адабий таълим эсонкуяри	129
Боқижон Тўхлиев. Урганчи ва урганчи бахти	132
Қундузой Хусанбоева. Китобдан тушган одам	140
Валижон Қодиров. Адабиёт илмининг янгиловчиси	158
Феруза Жумаева. Тахлил масбулияти	166

Синчилар қўллови

Ҳакимжон Каримов. Ўз қиёфасига эга инсон ҳам олим	169
Исҳоқхон Посирилов. Ғолиб қалб муҳаббати	171
Усмоишжон Қосимов. Истеъдод ва эътироф	174
Насимжон Раҳмон. Қалби тоза инсон	182
Қурдон Қаҳрамон. Англати сабоқлари	185
Алҳамбек Алимбеков. Ёниқ сўз шайдоси	188
Исомжон Ёқубов. "Дўстимиз"	192
Узоқ Жўрақулов. Ўз фикри одам	196
Абдураҳмон Пиримқулов. "Ёниқ сўз" эскизбаси	203
Қобил Кубаев. Эзуликка чорловчи умр	205
Музаффар Маматқулов. Ибратли ҳаёт	208
Юлдуз Каримова, Искандар Иброҳимов. Олам ва одами гузал кўриш йўлида	211

Йўлдошлар йўллови

Ўрини Мажидов. Оқибатли юрдош	217
Зиёлилла Ҳамидов. Беғараз одам, истеъдодли олим	224
Хусниддин Нуриддинов. Олимнинг оидин йўли	230
Анвар Жўрабоев. Сайхунинг асов тўттори	235
Мирзамаҳмуд Жалилов. Мен қадрлайдиган фалсафа	238
Муҳаммад Мелиқўзиев. Содик дўст, ҳақсўй инсон	243
Хайрулла Сулаймон. Ғуборсиз кўнлар ёди	247
Қаршигул Тирков қизи. Фахрланман	255

Библиография

Тузувчида	260
Адабиётшунослик	265
Ғилмунослик	271
Педагогика	272
Методика	274
Энциклопедиялардаги мақолалар	282

УСТОЗЛАР ОЛҚОВИ



ЁНИК СЎЗНИНГ ШУЪЛАСИ

Қозоқбой Йўлдошевнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан табрик сўзларимиз ёмоқчи бўлдим-у, аммо унинг шеър бўладими, наср, драматик асар бўладими, ёзувчи қалбини топиб, теран ва нозик дил билан таҳлил қилиш маҳоратини ҳаёлимдан ўтказиб унинг ижоди, талабалигига етарли баҳо беа олармиканман, деб ўйлашиб қолдим.

Гоҳида ёзувчи дўстларимизни янги чиққан асарлари билан табриклаймиз-у, аммо нуқсонларини бида туриб айтишга ботинолмаймиз. Қийнадамиз, маъна шунинг ўзиданоқ адабиётшунос, танқидчи бўлишнинг нақадар оғир, масъулиятли эканини тўла сезиш мумкин бўлади.

Бирор асарнинг ёққан томонини мақтан ёки нуқсонларини айтиш танқидсиз ҳам ҳамманинг, китобни ўқиган ҳар бир китобхоннинг қўлидан келади. Аммо бирор асар таҳлили баҳона ўз адабиётининг ривожини ўйлаган, унга жон қуйдирган ҳақиқий танқидчининг ҳаёлига на ошпа-оғайнгарчилик, на таъма, на ҳушомад келади. Булар унга мутлақо бетона: нафе ва шуҳрат топишдан кечган бўлади.

Атоқли адабиётшунос-танқидчилар: Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Норбой Худойбергатовлар билан қарлдон бўлганман-у, афсуски, Қозоқбой Йўлдошевнинг ижоди у ёқда турсин, ҳатто, яқин-яқинларгача ўзи билан ҳам танишганимиз бўлмаган. Аммо буюк ёзувчи Одил Ёкубовнинг "Қўҳна дунё" романи ҳақидаги мақоласи, унинг ниҳоятда теран билимдон, жула нозик дилли, янгича таҳлил, ўз услубига эга танқидчилик ийрларидан эканини менга танитди. Ихлосим онди. Айниқса, Қозоқбойнинг янги чиққан "Ёник сўз" китобига киритилган мақолалар мени унинг ижодига муҳлис қилиб қўйди.

Танқидий мақола у ёки бу асарга қанчалик тўғри ёки нотўғри баҳо берганидан ташқари, танқидчининг ўз савиясини ҳам белгилайди. Қозоқбойнинг ҳар бир мақоласи адабиётдаги нуқсонларнинг олдини олиш, унинг ривожига ҳисса қўлиш ниётида ёзилган, десаам муболага эмас.

Қозоқбойни: "Мен драматургия ёки романчилик бўйича мутахассисман", — дейдиган бир ёқлама "профессионал"лардан

бўлмай, ўзбек адабиётининг қай соҳаси бўлмасин, ҳаммасидан хабардор, жон қуйдиралган олимлардан деб биламан.

Қозоқбой Одил Ёкубов ёки бошқа ёзувчиларнинг насрий асарларига қанчалик меҳр билан муносабатда бўлган бўлса, ўз вақтида танқидчилар назаридан четроқда қолган шоир Мақсуд Шайхзоданинг ижоди, айниқса, шеърларидаги унча-мунча кўз ҳам илғайвермайдиган фазилатларни — "ёник сўзларни" ниҳоятда нозик таъб билан эътибор бериб топа олгани, бир шоир сифатида мени жуда қувонтирди.

Ҳақиқий олимнинг олимлиги фақат қайсидир асарнинг нуқсон ва камчиликларини ўқувчиларга етказишда кўринмайди. Буни ҳар ким ҳам қила олади. Аммо ёзувчи ўз ижоди давомида қарда кўпроқ машаққат чекли, қарда қандай бадийий янгилик топили ва бундан қувонди, маъна шунинг танқидчи топа билиши керак. Албатта, бунинг учун, яъни танқидчи шоирнинг қалбини илғаб олиши учун ижодкорнинг асарларида ҳам дард бўлиши керак.

Мени қувонтирган нарсаси, Қозоқбой Мақсуд Шайхзоданинг қалбини, шеъриятимизда енгил-елли, кўнгилли хушлайдиган, равон ёзилган, осон мақтов оладиган ўткинчи шеърлардан эмас, балки аёл асарларининг фалсафий, бадийий савияси баланд эканлигини очиб берганлиги бўлди.

Энди, 60 ёшга тўлган Қозоқбойга узоқ умр, унга ҳаммаша қувонч, хурсандчилик ёр бўлишини, ёник сўзларининг сўнмаслигини, шуъласи адабиётимизни ҳаммаша ёритиб туришини тилайман.

ШУКРУЛЛО,

Ўзбекистон халқ шоири.

ХАММАСИ ТАЊҚИДДАН БОШЛАДИ

Ёзувчилар уюшмасида тўқсон олтинчи йил романилари муҳокама қилинаётган эди. Маърузачи — профессор Умарали Норматов қилин қирқ ёриб, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб, салмоқли тўхтамадларга келгач, қизгин ва мурасасиз муҳокама-мунозара бошланиб кетди. Менинг "Шарқ юлдузи" журналида эълон қилинган (киноб бўлиб кейинроқ чиққан) "Тағри қудути" романим ҳақида маърузада ҳам, нутқларда ҳам асосан илиқ фикрлар билдирилиб турган асно Қозоқбой Йўлдошев бошқача гап айтиб қолди:

— "Тағри қудути" тўғрисида айтилган ижобий фикрларга қўшилимаган, роман анча яхши ёзилган, лекин, очик айтиш керакки, асарда Ҳабаш султон ўлими тасвири ҳаққоний чиққан эмас, — деди дағалчасига.

Унга гапнинг лавомини келтиришдан олдин бигта мулоҳазамни айтиб ўтай. Қозоқбой Йўлдошев, у вақтлар ҳали профессор эмасди, адабий анжуманларда бўлсин, матбуотда бўлсин, ўз фикрини кескин, юз-хотирсиз, рўй-рост айтиши бонс назарга тушиб, унинг чиқишлари кенг доираларда эътибор қозонган ва қизиқиш уйғотган эди. Шахсан мен унинг ўзига хос очик, самимий чиқишларини қолдирмай ўқини ва эшитиб боришга иштиёқманд эдим. Ҳозир ҳам шундай.

Уюшмадаги гапига ҳам, табиийки, ҳурмат ва қўл билан қўлоқ тутдим. У сўзида давом этди:

— Исфаҳидиёр султон ўз иниси (ота бир, она бошқа) Ҳабаш султонни ўлдиринишга амр этаркан, бир туки ҳам қилт этмайдиган. Ахир у ўз инисини ўлдиринишга ку?

Гап тушунарли бўлиши учун яна олгина чекиниш қилишга тўғри келди. Асарнинг Ҳабаш султон билан боғлиқ жойи қисман бўлибди. Хива хони Арабмуҳаммадхоннинг (1600-1620) ўғиллари орасида тахт учун кураш бошланди. Хоннинг катта ўғли Исфаҳидиёр султон валиаҳд ҳисобланса-да, хоннинг бошқа хотинидан бўлган икки ўғли: Ҳабаш билан Элбарс султонлар ёвуз кимсаларнинг қўқуши билан отага қарши ҳужум бошлаб (унинг ўз фарзандларига қарши қилин кўтармаслигидан фойдаланиб), уни мағлуб этдилар, қўзларига мил торталдилар. Бу ҳам етмагандай, отани қўл этинишди.

Исфаҳидиёр султон ва унинг иниси Абулғози султонлар бири

Эронзаминга, иккинчиси Бухорога қочиб кўнм топишади.

Исфаҳидиёр султон куч тўшлаб қайтиб келган, Ҳабаш ва Элбарс султонни мағлуб қилади. Элбарс султонни асир олиб қатл этади. Ҳабаш эса сахрога қочади. Кутурган ит қошиб, ўлар ҳолатга келган падаркуш қўлга олиниб, аравада Хивага олиб келинади.

Кутурган офати қалъагадиларга ҳам доримасин деган ҳаёлда Исфаҳидиёр султон уни пойтахтга киритмай, шаҳар дарвозаси олдида араваси билан бирга ёқтириб юбортиради.

Қозоқбой айни шу нуқтани чуқур таҳлил қилиб, Исфаҳидиёр султоннинг Ҳабашни ёқиб юборишдаги руҳий ҳолати тўлиқ очилмаганини танқид қилган эди:

— Асарда воқеа тасвири бор, лекин ички ҳолат ифоласи йўқ, — деди у.

Мен танқидни тан олдим.

Шу йиғинда Қозоқбой Йўлдошев фақат менинг асаримни танқид қилиш билан чекланмай, умуман адабиётимиз воқеалар адабиёти бўлиб қолгани, ички кечинма-ҳолатларни очинишга эътибор берилмаётгани тўғрисида куюнчақлик билан гапирди.

— Асарга киритилган воқеа қаҳрамоннинг ички сезимларини, ботинини очинишга хизмат қилиши даркор. Бадииятнинг бош хуусияти шундан иборат, — деди у.

Тўғри гап. Ўз отасининг қўзларини ўлдирган, қатл эттирган, мамлакат бошига масли кўрилмаган қулфатлар солган кимсани, боз устига инини ўлдириниш долғали кечинмалар оғушида содир бўлиши табиий ҳол-ку. Мен буни билмасмидим? Билардим, албатта. Лекин унинг асарда юзага чиқишига чуқур ёндашмаганим рост. Бу ҳақда йиғилишдан кейин кўп ўйладим. Биз Қозоқбой билан учрашиб туринишимиз лозимлигини сездим.

Вақти келиб учрашдик. Узоқ суҳбатладик. Сўз, табиийки, адабиёт ҳақида борди. Унинг ўша турунглариимиздаги: "Адабиёт, жулмадан, роман жанрининг шакли шамойили ҳам энди аввалгиларга ўхшамайди", "Бизнинг адабиётимизда ҳам воқеа ўтаётган жой, қаҳрамонларнинг кўриниши ва кийиниши ҳақидаги ушундан-ушун тафсилотлар ўрнини образларда муайян воқеалар тўғрисида тўғилган ички ҳолатлар тасвири эгаллаётгани кўринмоқда", "Кўнсузлик — бадиий асарнинг заволи", "Тарихий асарларда маълум воқеаларни баён қилиб беришдек эски касалликдан қанча тез қутулиб, тарихдаги одам руҳинишга кўнроқ

Этибор қаратсак, шуна яхши" ва ҳоказо тарзидаги фикрлари яхши эсимда қолган.

Ордан унча кўп ўтмай, "Арабмуҳаммад Баҳодирхон" номли тарихий драмама "Шарқ юлдузи" журналида босилиб чиқди ва Огаҳий номидаги Хоразм театрида сахнага қўйилди.

— Ўқийм, кучли психологик драма бўлибди, — деди Қозоқбой талдаги учрашувида. Тақриз ёзаётганини айтди.

Кўп ўтмай, тақриз "Тафаккур" журналида босилиб чиқди. Олимнинг китобидан ҳам ўрин олди.

"Султон Жалолдин" романини ёзишга киришишдан олдин анчадан бери ўзимни ўйлангириб юрган мулоҳазаларни Қ. Йўлдошев билан ўртоқладим. Шулардан бири Алоуддин Хоразмшоҳ образининг талқини борасида эди. Бошқа шох ва амирларимиз қатори шўро даврида Алоуддин Хоразмшоҳ номига ҳам қора чаплагани маълум. Унинг қўрқоқлигига эса айрича ургу бериларди.

Шоҳнинг салтанатини ташлаб бадар кетпиши сабаблари чуқурроқ ўрганилса ва уша даврда мамлакатдаги ички вазият, ўзаро келишмовчиликлар, сотқинчиликлар боисе шох ўтирган тахтнинг омонат бўлиб қолганлиги ҳисобга олинса, бошқача манзара кўзга ташланиши турган гап.

Буларнинг барига шохнинг ногўри сиёсати ва уст-устига йўл қўйган хатолари сабаб бўлганлиги шубҳа тулдирмайди, албатта. Чингизхон элчилари билан бўлган дипломатик муносабатларда қалтис, қўпол хатоликларга йўл қўйилгани аён. Лекин булар қўрқоқлик белгилари эмас, балки манманлик, вазият билан ҳисоблашмаслик, сиёсий калтабинлик оқибатларидир.

Биргина Чингизхон элчиси Маҳмуд Ялавоч билан бўлган яккама-якка суҳбатни олинг. Чингизхон хизматига ўтиб кетган ва ўз хўжайинининг Хоразмшоҳни менсимай, босқинчилигини: "Сен менинг ўғлим қаторисан" мазмундаги аслида қора шият билан битилган мактубини тутқазган сотқин кимсеге дил ёриш, ундан ҳақиқий маълумотлар олишга уриниш қайси мантқиққа сиғали?

Савдо карвони (жосуслик миссияси билан бўлсада) аъзоларининг қатл этилиши-чи? Булар йўл қўйиб бўлинмайдиган хатолар эди. Лекин булар хатолик — қўрқоқлик эмас. Хар қайси қалъа ўзини ўзи ҳимоя қилсин деган тузатиб бўлмайдиган хатолардан эди, албатта. Қўрқоқлик эмас. Зеро, Хоразмшоҳ

мўғулларга қадар не-не зўравонларини тиз чўктириб, салтанат ҳудудини беҳал кенгайтиришга эришган, узоқ-яқинда енгилмас деб ном қозонган қорахитойларини егитиб, Бухорон парифдан қувиб чиқарган, мислсиз ғалабалари боисе иккинчи Искандар сифатида ном қозонган тождор эди.

Яратган кимники жазоламоқчи бўлса, уни олдин ақдан мосуво этади, деган гап бор халқда. Ақдан айрилмоқлик саҳв-хатолар ботқонига ботмоқлик деганидир.

Мен бу уй-мулоҳазаларимни Қозоқбойга айтиб бердим. У: "Қани, бир уриниб кўринг-чи", — деди эҳтиёткорлик билан.

Ўйлаганларимни асарга сингдириш йўлини топгандай ҳам бўлдим. Абескун оролида худ-беҳуд ётган шох кўз ўнгиде дафъатан ўзининг доврқўли пайтлардаги отлиқ сиймоси намоён бўлиб, иккиси баҳага киришади. Ўлим тўшагиде ётган шох отдаги шох хатоларини юзига солади.

Роман ниҳоясига етгач, бошқа алабётчилар, тарихчилар, ёзувчилар қатори асар муҳокамасиде қатнашишни сўраб Қозоқбой Йўлдошевга ҳам қўлёзмани бердим. У тез ўқиб чиқди. Маъқул бўлганини айтди. Лекин ўлим тўшагидеги шох билан отдаги шох баҳс-мунозараси табиий чиқмаганга ўхшайди деди.

Мен уша бобни қайта-қайта ўқиб чиқдим ва олимнинг фикри асосли эканига ишонч ҳосил қилгач, уни романига киритишдан ўзимни тийдим. Кейинги таҳрирдан сўнг шох эңди армонларини ўз-ўзига эмас, балки ўғли Жалолдиннинг Манубердига изҳор этади.

Бу гапларни батафсил айтишимдан мақсад ёзувни учун мунаққид сўзи, агар у самимий, асосли бўлса, тоза ҳаводай фойдали бўлишни таъкидлашдир.

Нитоҳи тағмаъноларини кўришга қодир, зеҳин, идроки ижол дарёсининг туб-тубларидаги гавҳарларини топиб, кўз-кўз қилишга қобил, адабиёт илмининг ўзимиздаги ва дунёдаги янгида янги эвришишлари билгирини, ёзувчи ва унинг қаҳрамонлари ботинидаги руҳий қатламлар кашфиётчиси Қозоқбой Йўлдошевнинг муборак айёмида кўнглимдан кечганлардан баъзилари ана шулардир.

Эркин САМАШДАР,
шоир, ёзувчи, драматург.

СЫҒЫ

Нутқа "сығчы" ва "сығчыл" сўзлари ўзаро маънодошлик касб этиб, аввало, барча мавжудотнинг гултожи саналимин инсонга инсбатанга кўлланилиши билан характерли. Иккинчидан, сығчылық ўргатиб, ёки китоблардан ўқиб ўзлаштириб олинишган касб, ёинки хунар ҳам эмас. У айрим кишиларгагина насиб этадиган Оллоҳнинг инъомидир. Шу сабабли бундай одамларга яхшиларнинг, кайиониларнинг, ўтоғасиларнинг, билгичларнинг сығи ҳам теккан бўлади.

Зеро, сығчыннинг тушунчаси, дунёқараш, ақли, фаросати, лиди, ҳатто одоби ҳам бошқаларникидан ўзгачароқ бўлади. Кишини ҳайратда қолдирадиган даражада қобилиятли бўлишдан ташқари, воқеликка, ҳолисига, ҳолатга, хусусан, одамларга ўта холисона, энг асосийси, тўғри баҳо беради. Чунки унинг ўлчови адолат тарозиси бўлиб, бу ўлчовга шахсий манфаат аралашмайди, ҳар қандай вазият ва шароитда, гарчи ўзига зарар келиши мумкинлигини биллиб турса-да, ўз сўзини айтади. Айтганда ҳам қойил мақом қилиб, юрак-юрагиниғизга этиб борадиган, эт-этининиғизни телиб кетадиган, бошқаларни ҳайратда қолдирадиган тарзда айтади. Асосийси, бу сўз ва фикр ҳамиша ҳам тўғри бўлиб чиқади. Янада қувонарлиси, у сизни қалтирмас вазиет келганда ташлаб кетмайди, тўғривоғи, ташлаб кета олмайди, сизга елкадош бўлади. Менинг бу биттикларим умумий учинчи шахс ҳақида эмас, балки ўзим қирқ йилдан ошиқроқ мунтазам кузатиб келаётган бир сынчы Қозоқбой Йўлдош (Қашқирли) ҳақидаги ҳаётий жайдарли хулосаларимдир.

Азиз укувчи, шу ўринда айрим лавҳаларни келтирсам, менинг фикрларимга ва у кишининг моҳир сынчы эканлиғига Сиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

Қозоқбой, энг аввало, ўз қишлоғи, овули, Ота маконини ўта қадрлайди. Бир куни у менга ўтиб кетган боболари, уруғ-аймоғлари абадий қўним топан маскани — Жонгўт қишлоғи ва мазорини зиёрат қилиш нияти борлигини ва қачон бўлса-да, қишлоққа бориш вақтида уни бирга олиб кетишимни илтимос қилиб қолди. Шаба кунларининг бирида шу мақсадда иккаламиз бизнинг машинада йўлга чиқдик. У қишлоғининг қаерда жойлашганини

билмас экан. Негаки, отаси ўтган асрнинг 30-йиллари охирида қишлоқдан чўлга кўчиб кетган экан. Мен, гарчи, зоминлик бўлсам-да, у излаган маскани, табиий, билмайман. Чунки мен ҳам ота макондан ўн тўрт ёшимдан ўқиб, кейинчалик иш баҳонасида чиқиб кетганман. Шу сабабли Зоминнинг марказига борган, билгичлардан йўл сўрадик. Ёски номи Чўнқайма, ҳозирги Хулкар қишлоғига етказ, яна йўл сўрашга тўғри келди. Одатда тоғликларнинг "миажарда", "жоқын", ёки "мно қырды оссонг, жэтасан", дегани ҳам ярим кунлик йўл бўлиб чиқади. Биз сўраган кишиларнинг жавоби ҳам шундай бўлиб, шекилли. Бир қир ошамиз, Жонгўт йўқ, икки қир ошамиз, йўқ. Чамамда, тўрт-беш қир ошдик. Бунинг устига, йўл шу даражадаки, соатига ўн, ўн беш чақирим юриш мумкин, холос. Негаки, у шу даражада ўнқир-чўнқирки, бу йўлдан фақат ё трактор, ёки юк машинаси юриши мумкин. Гидирак чуқурга ҳар тушиб чиққанда, иккаламизнинг ҳам бошимиз машинанинг шифтига тетади. Бунинг устига машина ичига чап тўлиб қолмасин деб, ёзинг исеиқ кунда ойналарни ҳам бекитиб олганмиз. "Машина қийналяпти ва булдан домлам ичиде озорланаяпти", деган ҳаёлда Қозоқбой ўзини ниҳоятда ноқулай сезаётганлигини хис қилаяман. Шу сабабли у бир неча марта: "Босим ака, орқага қайтайлик, бошқа вақт юк машинасида келаман, ҳар қалай, чамалаб тоғлик-ку", — дейди. Мен: "Йўқ, энди излаб топамиз, унча узоқ қолмади, шекилли", — дейман.

Ўрни келганда шунини айтايки, мен, тўғриси, машинанинг қийналяётганлигини ҳаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Ўзим озорланганим ҳам йўқ. Чунки у менга бозноси ботиб, шу илтимосни қилган, ахир. Инсон ҳаммага ҳам бозноси ботавермайди. Ҳатто бир кичик нарсани ҳам ўзиниғизга хуш келмаган кишидан сўрамайсиз-ку. Ушбу сатрларни битиб ўтирганимда болаликдаги баъзи хотираларим жонлиниб қолди. Отамнинг танишлари баъзан у-бу нарса сўраб келиб қоларди. Отам гарчи ўша нарса ўзига керак бўлиб турса-да, бериб юборарди ва сўнг ҳатто булдан негидир кайфияти кўтариларди. Шунда энам ёзириб: "Нега бердингиз, у эртага ўзиниғизга керак-ку, боллар буни шунинг учун олиб келган-ку", — деса, отам баъзан қулимсираб, баъзан жиддий ўйга толиб: "Э, қишлоқда қанча одам бор. У бу ерга келганча, қишлоқдаги қанча одамди уйдан ўтказган, уйда уларнинг ҳаммасининикига бориб кетган, лекин бермасини биллиб, бизга бозноси ботқондан

кетган", — деди. Отамнинг онамга айтган шу гапи меннинг қўлонимда ҳамisha жаранглайди...

...Ниҳоят, биз излаган масканга ҳам етиб бордик. Кувонарлиси, уни топишдик... Машинадан тушиб қабрларни зиёрат қилдик. Ўзимиз билганча Куръон тиловат қилдик. Шундан сўнг иккаламиз ҳам ўрнимиздан турдик. Мен бир чеккада Қозоқбойнинг ҳолатини кузатдим. У аввал бир неча қабрлар бошига борди, баъзиларининг устидаги қовжираб қолган утларини олди. Сўнг бирдан марос тортди қолди. Ҳа, шундай шўх, шундай кескир, жангари йигит ўйчан, илҳор, "қўли ҳеч ерга етмайди" "кекса"га айланди, қолди. Ўрнидан секингина турди. Нимадир деди. Лекин битта сўз, сўз эмас, биргина товуш бўғиздан хирллаб чиқди, чамамда. Бу биргина сўз ёки товушда унинг қалбидagi дард бор эди. Бу сўзларда бир пайтлар тоғликларни ялли кўчирма қилган ва уларни ўзининг ота маконидан ажратган ва у маконларни етим қилганларга нафрат бормиди? Ёки шундай мусибатлар бўлмаса, мумкин, ота-онамининг умри узок бўлиб, мен "жезда" қўлида қолмасмидим, сағир қолмаганимда бу даражада тортиноқ ва ирқилчак бўлмасмидим, деган юракни титратувчи нидолар бормиди? Ҳа, унинг кўзлари ҳам тўла ёш эди. Қалби ҳам ёшга тўла эди.

Тўғри, мен унинг ўша пайтдаги аянчли туйғуларига тўлиқ шерик эдим, деб айти олмаймак. Чунки у пайтлар меннинг ота-онам — тоғдек суянчиқларим бор эди. Бир ойда, узоғи билан икки ойда қишлоққа бориб турардим. Ота-онам ҳаёдан кетгач, мана энди Қозоқбойнинг ўша пайтдаги ҳолатини, изтиробларини аниқроқ ва қалбдан ҳис қилиб турибман...

Бирор соатлардан сўнг Қозоқбой ўз ҳолатига қайтди. Қушюқ ва кескир Қозоқбойга айланди. Гуё менга ҳеч нарсани сезирмагандек, "О, меннинг Она Жопутим", — деб кўларини икки ёққа ёзиб, кўкракларини келди. Тўйиб-тўйиб нафас олди. Гуё кимдир сўзлаётгандек, "Мен Сени топиш, Она Жопутим, энди акамни, оналаримни олиб келаман", "Ҳар йили олиб келаман", "Ҳар йили зиёрат қиламан", "Сени етим қолдирмайман", — деди. Зинҳор, бу гаплар широр тарзиди, қақриқ тарзиди айтилмайди. У дард билан айтилди. Ваъла оҳангиди айтилди. Бурч оҳангиди айтилди. Қобил ва солиҳ бир фарзанд бурчи сифатида айтилди. Билишимча, бу бурчинини у бажарди ҳам...

Биз орқага қайтдик. Сўлим тоғ ва атирлар орасига жойлашган

Бешкуби қишлоғига бордик. Оқшом бизнинг қишлоғида тунадик. Отам билан суҳбатлашдик. Кексалар меҳмонни тагга солишни хуш кўради. Суҳбатидан унинг кимлигини жуда тез билиб олади. Шунинг учун бўлса керак, меннинг 90 ёшдан ошган отам Қозоқбой ташқарига чиқиб кетган: "Миймонинг жа мағилли жигит экан. Бу бола утгалларини излаб, заҳмат чекиб, уларнинг қабрларини зиёрат қилиб юрибдим, буни Худо азиз қилади", — деди. (Одатда, тоғликлар бировни ўзининг одида мактамайди). Бутун мен унинг камолини кўриб, ўша фикрларнинг не қадар ҳақ эканлигига имон келтириб турибман. Ва Тагнинг уш ҳамиша азиз қилишига бир оға сифатида тилакдориман.

1970 йилда институтнинг биринчи қалдирғонлари — битирувчиларидан тилшуносликдан давлат имтиҳонни олганман. Гуруҳ сардори Қозоқбой ҳаммадан кейин имтиҳон топишмоқда. У мисолларни доскага ёзади, таҳлил қилади, изоҳлайди. Мен муносабат билдирман. Иккаламиз ҳам хона эшигига терс, доска ёнида тик турганлигимиз сабабли ўзбекнинг тенгсиз олими, тавсиф ва тасвирга синас тилшуноси, сеҳрли педагог, давлат имтиҳони комиссияси раиси — Айюб Ғулом ва институт ректори Худойберди Донийоровларнинг кириб келиб, имтиҳон топирувчининг жавобларини эътибор билан тинглаб турганлигини ҳам сезмабмиз. Шунда, Айюб Ғулом Қозоқбойнинг елкасига қўлини қўйиб: "Худойберди, бу боланг ҳар қандай марказий ВУЗнинг студентидан билими-ку!" — деди. Бу баҳолан мен имтиҳон олаётганлигимга қарамай, ўзимда ички бир титроқ сезганман. Билмадим, ўша онда Қозоқбойнинг кўнглидан нелар кетган? Бу фақат унинг ўзигагина аён... Менимча, ўша пайтдаги психологик ҳолатни қалам таърифлаб бера олмас. Мумкин, бутун Қозоқбойнинг нафақат ўзбек алабиётини, балки ўзбек тилини ҳам қонуниятларга асосланган ҳолда сынчиларча таҳлил қилаётганлигига сабаб ўша дарға тилшуносларнинг сыни текканлигидандир. Мумкин, ёруғ ва тоза аудиторияда соф кўнгли эгалари билдирмиш оқ фотиҳага фаришталар омин дегандир.

1986-1992 йиллар давомида биз Қозоқбой билан бирга ишладик. У Ўзбек алабиёти кафедраси доценти, Ўзбек филологияси факультети декани лавозимларида ишлади. Асосийси, бу даврда у факультет ўқитувчи ва талабаларининг энг яқин маслаҳатчисига айланиб қолди. Бу ҳолат, албатта, ҳаммага ҳам хуш келмаслиги

аниқ. Шунданмикин, бир кунги мени институт раҳбарияти чақириб, факультет деканлигини тақлиф қилди: “Мен Қозоқбойнинг ўрнига декан бўлмайман” дедим. (Бу шу пайтгача сир эди). Лекин бу гандан уч-тўрт ой кейин Қозоқбой мени ўзининг ўрнида ишлашга кўндирди. Чамамда, мен унинг ўрнида 10-15 кунлар ишладим. “Ўйнашмагани арбоб билан...” деталаридек, у мажбуран икки йиллик катта илмий ҳодимликка чиқарилиди. “Таёқнинг икки учи”, “Хар ёмоннинг бир яхшиси бор” лиги рост ишқилли, бу жазо чиндан ҳам яхшилик билан тугайди. Қозоқбой қисқа вақт ичида “Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари” мавзусида гоят муҳим, салмоқли докторлик диссертациясини тайёрлади. Зеро, бу масала Қозоқбойнинг кўнглида анчадан буюн наққаланган дард эди. Шунинг учун ҳам унга профессор Акрам Каттабеков соф адабиётшуносликка доир мавзунини тақлиф қилганда, у менинг олимга келиб, юқоридаги “мавзунини ишласам”, деган фикрни билдирди. Мен, табиий, унинг фикрини қувватладим. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, Қозоқбой бизникка келиб, диссертацияни тугатганини айтиб, мени севинтирди.

Воқеалар ривож мазкур диссертациянинг ўта сиқовлик билан амалиёт ва илмийлик бир нуқтага бирлаштирилган ҳолда сиқовларча тайёрланганлигини кўрсатди. Шунинг учун бўлса керак, ҳимоя тутагач, Илмий Кенгаш раиси, адабиётшунослик илмининг дарғаси, академик Иззат Султон Қозоқбойга: “Сиз бутун бирданига иккита — адабиёт ва педагогика фанлари бўйича диссертация ёқладингиз”, деди. Шубҳасиз, бу гапда ҳеч қандай муболага йўқ эди. У ҳақиқатдан ҳам адабиёт ўқитиш методикасини фан даражасига олиб чиқди.

Қозоқбой Йўлдошев докторлик диссертациясини ёқлагач, янада қаттиқроқ ва унумлироқ ишлади. У умумий ўрта таълим мактаблари учун ўзбек адабиётдан таълим ўлчови (стандарт)ни тузди. Қатор дареликлар яратди. 7-синф дарелиги Республика таълимида биринчи ўринини олди. Ушбу синф дарелигини шарҳловчи “Ўқитувчи китоби”ни чоп этди. Энг муҳими, бу дареликлар ўзи айтган “янгиланган педагогик тафаккур” асосида адабиёт ўқитишнинг ўқувчи билан ўқитувчининг тобъ-ҳокимлиги эмас, тенг ҳамкорлиги асосида қурилганлиги билан эътиборга молик. Шунингдек, у Қозонистон Республикасидаги ўзбек мактабларида

адабиёт дареликларини яратди. Бу ўрнида алоҳида қайд этиладиган ҳолат шундан иборатки, дареликларга киритилган адабиётлар ва уларнинг таҳлилида сынчига хос мезон устувор. Бу мезон баъийликдир.

Қозоқбой Йўлдошев илмий фаолиятининг катта бир қисmini унинг монографиялари ташкил этди. Олимнинг бу соҳадаги ишларида одамнинг кўзига ярқ этиб ташланадиган битта ҳолат мавжуд. Бу — унинг илмий таҳлилдаги бошқаларникига умуман ўхшамаган, ўзига хос услуби. Бу услуб фақат унинг ўзигагина хос. Масалан, халқ тилининг битмас-туганмас бир хазина эканлигини қалбан ҳис этган олим “Туғанмас бойлиқлар бузғи” (1991), “Зомин сўзлиги” (2008) монографияларида халқ тилининг адабий тилини боийтиб турувчи асосий манба эканлигини исботлайди. Китобларга адабий тилга турли сабаблар билан кирмай қолган, аммо кириши мутлақо зарур бўлган, агар бутун уларни тўйлаб адабий тилга тавсия этилмаса, эртага кеч бўлиб қолиши аниқ бўлган ушутилган минглаб сўз, мақол, ибора, айтимларни тўйлаб, тўзал бир усулда шарҳлайди. Ўйлаймизки, мазкур асарлар аерлар оша ҳам аюллар учун хизмат қилусидир. Дарҳақиқат, Қозоқбой нафақат педагог, адабиётчи, айни чоғда, тилшунослик илмининг ҳам сынчы билимдон.

Қозоқбой Йўлдошев бадий асарни таҳлил қилар экан, айримлардай уни мавзунинг долзарблиги-ю кишиларга ақл ўргатишдаги хизматларига қараб баҳоламайди. Балки бадийлик бирламчи эканлигини таъкидлайди ва уни худди шу жиҳатидан баҳолайди. Фикримизни сынчнинг “Алпомиш талқинлари” (2002), “Ёниқ сўз” (2006) монографиялари тўлиқ тасдиқлайди, деб ўйлайман. Олимнинг “Ёниқ сўз” китобидаги: “*Кўзчил олим дарахт ортида ўрмон, ҳодиса ортида қонуният борлигини яхши билди*” (458-бет) деган фикри, биринчи навбатда, сынчнинг ўзига тегишли. Агар олимнинг турли ижодкорлар асарлари юзасидан билдирган фикрларига эътибор берсангиз, бу хулосаларга Сиз ҳам қўшилисангиз деб ўйлайман, ҳурматли ўқувчи. Жумладан, Фарида Афрўз ишарияти ҳақида у ёзди: “*Ишариятга чақмоқдек чақиб эмас, балки келинчақдай ийманлигида кириб келган Фарида Афрўз барча эсли келинлар каби келган унга тул кўйиб, налак ётди. Қатор-қатор ишарий фарзандларини дунёга келтириб, сездирмагани бу уйини ўзиники қилиб олди*” (“Ёниқ сўз” 1539-бет). Сатрларини ўқиб бир зум ҳайрат бармонлигини лабидан қолдириб қолган

қоласыз, бу илмий услубми, бадий услубми? Бу насерми, назмми? Наҳотки, илмий услубни бизга урф бўлиб қолган, “ҳаракатсиз сўзлар”, “ўлик жумлалар” ўрнига “тирик сўзлар” ёрдамида киши эгини жимирлатиб юборишга қодир бўлган жумлалар ёрдамида бадий услубга, нафақат бадий услубга, балки кишини лол қолдирадиган гўзал бадий услубга яқинлаштириш мумкин бўлса. Мумкин экан. Лекин бунинг учун Қозоқбой бўлиш керак, менимча.

Муаллифнинг Икром Отамурод ижоди таҳлилига бағишланган “Тирилган сўз” мақоласини ўқиб сўзга ортланган юкни кўриб, сўздаги илоҳий қудратга ишонч ҳосил қиласиз: “*Икромнинг айтганлариди бошқа тиллардан кириб келган сўзлар худди бировишқига узатилган келинчак каби андишли ва тортинчоқдир*”. “*Бу сўзлар шунчаки ҳолат тасвири эмас, балки ҳаракатдаги руҳият ифодасидир*”. Ўрни билан шунч алоҳида таъкидлаш лозимки, “сўзга ҳиссиёт ортин, сезим юклаш”ни мен фақат Қозоқбой талқинида учратдим, холос. Худди шундан келиб чиқиб у: “*Икром сўзларни шунчаки шартли белгилар эмас, балки юракнинг ипёқоси, туйғуларнинг ифодаси деб билади. Шу бонс ҳар битта сўзга унинг ўзи ташийдиган маънодан ташқари, ўзининг шонрона сезимларини ҳам юклайди... Бу банддаги ҳар бир сўз сўзгина эмас, ҳолат ҳам, муносабат ҳам*” (332-бет) эканлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат олим “Ўзлик қақиллари” мақоласида Сўзни илоҳий неъмат, унга улкан масъулият билан ёндашини, сўз айтишининг оғирлигини ҳаминша ҳис қилиш жонз дейди. Шунингдек, у сўзни “*Сўз одамдир, сўз қисматдир, сўз миллатдир*”, — деб таърифлаганда, менимча, тамоман ҳақ.

Тадқиқотчи ўз таҳлилларида нафақат сўз, балки ҳар битта товушнинг шериятда таъсирчанлигини оширишдаги хизматиға эътибор беради. Жумладан, Шавкат Раҳмон битикларига бағишланган “Зуифқор руҳ манзиллари” мақоласида шоннинг “*Бор бўлса, аларга етқариб қўйиш*” мисрасини таҳлил қилар экан, нега “етқариб” эмас, “етқариб?” деб сўроқ қўяди ва ўзи унга шундай жавоб беради: “*Бу урида жарангли “з” товуши воситасида пайдо бўладиган оҳанг шонга мазмуннинг залворига мос келмайдиган даражада мулоҳимдай туюлади ва фикр таъсирчанлигини янада оширмоқ ийетида титроқ “р” соноридан фойдаланади*”. Ҳақ гап. Ҳолат ва товуш муносабати ҳамма тадқиқотчининг ҳам эсита келавермаслиги сир эмас.

Қозоқбой ўзининг илмий таҳлилларида сўзга, унинг бадий алабиётда тутган ўрнига, шундан келиб чиқиб ижодкорнинг Сўзга муносабати масаласига қайта-қайта мурожаат этар экан, “Халқона руҳият мусаввири” номли мақоласида Тура Сулаймон ҳақида “*У ҳар қандай асов сўзни ҳам ювонин тортиради*” деб ёзади. Гуё жўнгина жумла. Бироқ ана шу “жўнгина”да катта юк бор. Сўздаги “асов”лик ва унинг жиловни қўлида бўлган эгаси олдига бир зумда “ювонин” тортиб қолган ҳолатини тасаввур қилинг. Менимча, унбу фикр илмий таҳлилда, аниқроғи, илмий услубга Қозоқбойнинг ўйига ҳам тегишли. Чунки у ўз таҳлилларида ўнатилай асов сўзларини илмий муомалага олиб кириб “ювонин тортиради”. Зеро, муаллиф жуда кўп шундай сўзларни ўринли қўлиб алабиётшуносликка лояр атамаларни ўзига хос тарзда кешгайтириш дейиш мумкин. Чунончи, *шарсуяр, ўқирман, шайрий ўтборин, юқуман, зўриқтириш, тўдага от қўиш, ўйчиллик, тиллаиш, англаш, оҳорли, ёзиради, ёниқ сўз, кўтчи, дарахт ортида ўрмон, оғриқли (сўзки шунча оғриқли экан...)* ер бўлмаслик (одам эр бўлгандагина ер бўлмаслиги), *ундовли ўйлади, бўзлаб сўйлади, билгич, сипқиб, сипқилик, дунёнинг шекалари, сўзга эътиборан, тўлганнади, малоланмай* (малоланмай босиб келаётган ижодкор), *топилақ, бийлик* (одам илҳомига ҳам бийлик қилолмайди), *қул* (шонр ўз илҳомининг қулдир), *довлашмайди, ёвлашмайди* (у чала сўймайди, чала янламайди, чала довлашмайди, чала ёвлашмайди...), *халқона оҳангдор* (сўзнинг кўнчилиқ хотирасидан кўтарилган халқона оҳанглор нақллари, унут бўлаётган матнларининг тонади) ва шу каби кўнгина сўз ва бирикмалар муаллиф ижодида зўриқмасдан табийи ҳолда ишлатилган. Бу билан илмий асарлар услубини бадий услубга яқинлаштириди. Янада аниқроғи, елинчи сифатида у ўзбек алабиётда янги услуб — Қозоқбойча услуб яратди.

Жўмард иним, мен Сўзни Тангри ато этган елинчилиқ тарк этмаслигини яратилган тиллаб қоламан. Фаразларинингиз қамонини кўриб юрини ҳаминча насиб этсин. Уларнинг бахтига ва алабиётимиз равшанлиға соғ-саломат бўлинг.

Босим ТҮЙЧИБОВ,
филология фанлари номзоди,
профессор.

СУХБАТ КЕТСА ДАВРАЛАРДА...

Сухбат кетса давраларда
Гар Қозоқбой борасида
Навбат етти энди менга
Қил сирмас гап орасига.
Қўз тегмасин сирларёлик
Бойбек бобо боласига.

Туй баҳона шу боисдан
Сўзни сўзга улайманда,
Феълимизда ухнашлик бор,
Демак, дўстлар, қудай манга.
У юртдошдир улғу оғам
Бахши Тўра Сулаймонга.

Қўлга тушган асарларни
Пистадайн чақиб ташлар.
Изланувчан, билгир, топқир,
Гурунлашсанг, кўнглинг яшнар.
“Типи камшик” танқидчилар
Чала чайнаб бошин қашлар.

Қозоқбойнинг тақризлари
Тўқ мағиздир, ёниб турар.
Мунаққиднинг холис фикри
Мисоллардан томиб турар.
Кўчирмачи “донинманц”лар
Қасам ичиб, тониб турар.

Китоб — ёстиқ, чойшаб — қогоз,
Мўъжаз уйда тунаб чиқар,
Туйғуларга жило бериб,
Дилни дилга улаб чиқар.
Қозоқбойчи саксонда ҳам
Қора муртин бураб чиқар.

Турсунбой АДАШБОВ,
шоир.

ВАҚТНИ ТИЗГИНЛАГАН ОЛИМ

Қозоқбой Йўлдошевнинг ўзбек адабиётининг ёрқин юшурларидан бири, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода ижодига бағишланган мақоласи “Вақтнинг тизгинлаган шоир” деб аталган. Эҳтирос ва меҳр-муҳаббат билан ёзилган ушбу мақола шундай сўзлар билан якунланган: “*Баланд шахсини ва серқирра истеъдод эгаси, вақтнинг тизгинлаган ижодкор Мақсуд Шайхзода яратган асарлар йиллар мобайнида қадим аجدодлар яшаган даврнинг саломини авлодлар яшайдиган даврга элтувчи руҳий кўприк бўлади*”.

Топиб айтилганидек, фақат Мақсуд Шайхзода сингари истеъдод соҳибларигина вақтнинг тизгинлай олинга қодирлар. Давр синюваридан ўтган ҳақиқат шуки, вақтнинг тизгинлаган шоир, элиб, олимгина миллат тарихининг тадқиқотчиси саналинга лойиқдир. Бунинг учун ёзувчи ёки олимнинг нафақат Оллоҳ берган истеъдоди, чуқур илми, филойиллиги, балки элу юрти, миллатига нисбатан ентиб бўлмайдиган кучли муҳаббати ҳам бўлиши зарур. Қозоқбой Йўлдошев ана шундай фазилатларга эгадир.

Мен узоқ йиллардан буюг жонқуяр олимнинг серқирра ижодини кузатиб келаман. Унинг адабий-танқидий мақолалари, дарслик ва қўланмалари, илмий китоблари эстетик таҳлилининг чуқурлиги, самимийлиги ва ўзига хослиги билан алоҳида кўзга ташланиб туради. Олим нима ҳақда сўз юритмасин, қайси бир мавзунини қаламга олмасин, энг аввало, ўзи мансуб бўлган миллатнинг орзу умидлари, дарду ҳасратлари, келажак тақдирини уйлайди. Бу фикрнинг ёрқин ибботи сифатида унинг “Алпомиш” тақлидлари” рисоласи ва “Ёниқ сўз” китобига кирган адабий-танқидий мақолаларни тилга олиш мумкин.

“*Бузуғи адабиёт*” — деб ёзди Қ. Йўлдошев мақолаларининг бирита, — *ўзини-ю Аллоҳни танишга тутинган ижодкорлар томонидан яратилмоқда. Аёнки, бундай одамлар мутлақо хизматхил, тамомила ўзига хос ва бетакрор кишилардир. Уларнинг битганлари ҳам шунга яраша. Ўзбек адабиёти ўзбек кишинининг ўзига хос тимсолли яратолганда, ўз-ўзидан жаҳон миқёсига кўтарила олади. Чулки, биз жаҳонда мавжуд бўлганимиз сингари жаҳон ҳам бизда намоедир*”.

Адабиёт, санъат, маданият ҳақидаги ҳар бир сўзини “етти ўлчаб,

бир кесиб" айтадиган олимнинг фикрлаш донраси жуда кенг. Таҳлил усули ва услуби ҳам ўзига хос. Бир пайтлар тузилиб, ҳали-ҳамон лавом этиб келаётган адабий-бадий қониллар унга бетона. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Қозоқбой ҳеч қандай қонуларга "бўйсунмайдиган" бадий адабиётдан қонулар излаб, кашф қилади. У ҳамина матнга суянади, матн билангина иш қўради, ҳулосаларини ҳам матнга таянган ҳолда чиқаради.

Ҳақиқий адабиётшунос олим нафақат ўз она тилида яратилган асарларни, балки жаҳон адабиётининг подир намуналарини ҳам чуқур ўрганган бўлиши шарт. Аке ҳолда, адабий асарлар ҳақида билдирган фикрлар, қуруқ сафсатабозликдан иборат бўлиб қолади.

Қ. Йўлдошевнинг кўнчилиқ салафларидан фарқи шундаки, у жаҳон адабиётининг ижодий тажрибаси билан яхши таниш. Ва бу ҳақда рус, инглиз, олмон, француз адабиётшунослари савиясидан кам бўлмаган даражадаги илмий-адабий мақолалар ёза олади. Шу ўринда бир адабий фактни тилга олиб ўтти жонз кўринади. Мен жаҳон адабиётшунослиги тарихида Ф. Кафка асарлари таҳлилга бағинланган жуда кўп мақолаларни ўқиганман. Улар орасида Қозоқбойнинг мақоласи самимиётлиги, нозик ва ҳаққоний кузатишларга бойлиги, теран таҳлили билан ажралаб туради.

Олимнинг фикрича: "Франц Кафка асарлари оғир ўқилади. Уларни дам олиш, латтатлашиш учун ўқаш мумкин эмас. Аввало, уларни тушуниш, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини туйиш жуда оғир кечади. Чунки бу қаҳрамонларни яратган ёзувчининг ўзи бошқа одамларга ўхшамайди. У оламни ўзигагина хос кўз билан кўради. Иккинчидан, Кафка ҳаётдан нуҳа олмайди, ундан ўрганмайди, балки асарларида ўз билганча ҳаёт яратади. Унинг асарлари қаҳрамонлари ҳам адиб яратган ана шу ҳаётнинг қонуларига мувофиқ умр кечаришади, мавжуд бўлишади. Учунчидан, айтишмий тузумнинг ҳар қандай механизмида фақат инсонга зулум қилувчи, зулам ўтказувчи воситани кўрган адиб, инсонни қора ранглар қуриовида, адоқсиз бахтсизликлар оғушида тасвирлайдики, бу китобхонни руҳан толиқтиради, мувозаназдан чиқаради, унда умидсизлик пайдо қилиши ҳам мумкин. Лекин инсонни ўзгача бир ҳолатда кўрмоқчи, одам ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблигини англамоқчи бўлган киши Кафканинг асарларидан хабардор бўлиши керак. Чунки Кафка тасвирлаган одамлар фақат унинг асарларидагина мавжуд. Лекин уларнинг туйғулари, ҳиссиёти ҳамманики қаторидир. Шунинг учун ҳам биз уларни англашимиз,

туйишимиз мумкин". Нақдлар тошиб айтилган сўзлар ва ҳаққоний берилган баҳо.

Мен Қозоқбой ҳақида кўп эшитган, унинг ижодини синчиклаб кузатиб келаётган бўлсам-да, ўзи билан шаҳсан таниш эмасдим. Бир куни дустим Бегали Қосимов ўзаро суҳбатда Қозоқбойнинг мақолалари ҳақида сўз очиб қолди. Сўзининг сўнгсида: "Мана кўрасиз, яқин қулар ичиде сизларни таништириб ҳам кўрмай", — деб қолди. Ва шундай бўлди ҳам.

Қиш фаслининг сўнгги кунлари. Осмонни қуюқ қора булут қоплаган. Совуқ шамол дов-драхтларнинг шохлари билан ажиб уйнашади. Миллий университет олдидеги мўъжаз хиёбон. Бир пайт Бегали ўрта бўйли, миқти гавдали, бугдойранг юзли, истараси иссиқ бир йигитни бошлаб келиб қолди.

— Танишинг, бу йигит профессор Қозоқбой Йўлдошев бўлади, — деди Бегали ним кулги билан.

Шу воқеа сабаб бўлиб, Қозоқбой билан паники таниш, фикрдош ҳамкашб, балки самимий дўст, яқин ака-ука ҳам бўлиб қолдик. Жуда кўп сафарларда бирга бўлиб, ҳаёт ва адабиёт ҳақида гўрунлар қилиб, баҳалар юритдик.

Ўрни келди, очигини айтиб қўяқолай. Қозоқбойда у билан суҳбатлашган ҳар қандай оламни ўзига тортиб, сеҳрлаб қўйилган бир жозиба бор. Бу унинг билимдонлигиданми ёки бутун вужудидан уфуриб турадиган самимиятиданми? Балки ҳар иккаласидан ҳамдир. Яна шуниси ҳам аниқки, унинг гап-сўзлари, юрини-туриши, хатти-ҳаракатларида миллиат дарду ҳасрати билан нафас олувчи фидойи инсон ва олимнинг ёрқин қиёфаси манаман деб кўриниб туради.

Агар социологлар анкета тузиб, "Бугунги кунда кимлар ўзбек эълиси деб аталишга лойиқ" дея сўрашсалар, мен ҳеч иккиланмай Қозоқбой Йўлдошевни тилга олган бўлардим.

Сўзимнинг сўнгсида: "Ҳамина миллиат дарди билан нафас олувчи, ўз асарларида нақтни тизгинлашга интилувчи фидойи олим Қозоқбой Йўлдошевлар сафи яна ҳам кенгайверсин", — дегим келади.

Пирнат ШЕРМУХАММЕДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

ДЎСТ-БИРОДАР БИЛАН ОШНА-ОҒАЙНИНИНГ ФАРҚИ

Шухратли олимларимиз бизга айтишган:

— Ёзувчи билан танқидчи дўст-биродар бўлмагани дуруст. Одамнинг юзи иссиқ. “Четроқ”да турмастан, асарга ҳолис баҳо бериш қийин.

Адиб билан адабиётшуносни қўйинг, ёзувчилар орасида ўзаро ошна-оғайнигарчилик бирон пайт яхшиликка олиб бормаган. Бу эски тарихдан маълум. Адабиётда ҳолис баҳо йўқолган, ҳолис. Лекин дунёда ҳамма нарса нисбий. Ёзувчи билан танқидчи нега дўст-биродар бўлмаслиги керак? Бу ошна-оғайнигарчиликка айланиши пارت эканми? Наҳотки, гап самимиятда эмас, бири-биринга яқин ёки бири-биридан узоқ “масофа”да бўлса?

Хулоға шукр, кундан-кунга ҳатто йигирма йил бурун унча кўринмаган янги муносабат шаклланиб борапти, ошна-оғайнигарчиликнинг томири қирқилиб, барча адиблару адабиётшунослар ёппасига дўст-биродарлик либосига ўранипти. Шу боисдан, ҳозир танқидчи ёзувчини дўшманига айлантиш оқсонида кўзлари меҳрибон порлаб туради. Ёзувчи ўз навбатида зарбам, ноилоҳ табассумми, бепарвороқ қарашга ҳаракат қилади. Нукул мактов кутмайди. Ҳолис баҳо бериш учун танқидчи нақадар азобланаётганини тунунади.

Қисқаси, адабиёт бобида давраларда кўн суҳбатлашиб юрадиган пайтимиз эди, Шукр Холмирозде:

— Бир йигит бор. Қозоқбой. Университетда дарс беради. Адабиётни поэтик ҳис этади, — деб икки-уч айтгандек бўлди. Мен Қозоқбой Йўлдошевни яхши танимас, билмас эдим... Орадан маълум муддат ўтиб, унда-бунда кўришдикми-йўқми, бир адабий йиғинида Қозоқбой минбарга кўтарилди. Насрий асарлар ҳақида сузлаётди:

— Ўтган йилги романлардан ҳалиги “Тепаликда...” нима эди, унга бутунроғи, — деди.

У гарчи “Тепаликдаги ҳароба” романини мақтаган бўлса-да, менга фикр ифодаси озир ботди. Сўзга чиққанимда:

— Олим киши бўлмай “ҳалиги” деб гапирмайди, — дедим. Бу кичик ҳолатни эслаганимга сабаб...

“Ўзбек адиблари” китобининг бир нашрида мажкур роман номи

“Тепаликдаги одам” тарзида хато босилган экан. Кейинги нашрда тузатилиб, бироқ у ер-бу ерда ўша хато “рўпарамдан” чиқди. Арзимаган чалкашлик рўй берса, бас, судралиб юраверди! Биров “ҳалиги тепалик” деб “ёнишиб” олмастлигига кафолат беролмайсан. Мухими, ўз ҳурматимдан ҳам кўра кўпроқ Сўзинг ҳурматини ўйлайман.

Қозоқбой иккимиз шундай, бири-биримизни “сал туртиб” таниганимиз. Вақти келиб қадрдоғлашдик. Унга меҳрим тушди.

Эсланган ҳолатни энди бошқача шарҳлаш мумкин. Қозоқбой босиқ юриш-туриши, ўйчан, вазмин сўзлашига эил, ичида “ҳажжонли-эхтиросли олам”ни “сақлаб қолган”. Умуман, унинг табиятида кутг баробариса, бир оз дарвешона-бепарволик бор.

Шукр ака айтганидек, адабиётни поэтик ҳис этиш!

Қозоқбой ҳозир домла бўлган Миллий университетда ўтган йиғинлардаги маърузаларини эшитиб, бунга қаноат ҳосил қилганман. Бошқа жойларда мулоқотларда ҳам. Шахсий суҳбатларда...

Унинг таниш-нонанинга муносабати бегубор, самимий, баъзан “деҳқонча”. Адабиётшунос олим учун керак билим, меҳнатдан ташқари, сўзид, ёзганларида Худо берган ақл, дил-фаросат яққол кўринади... Гоҳ-гоҳ тушунмаганидан эмас, билиб, кўнгли ачиб, бировларни (балки, мени ҳам) ортқиқа мақтаб юборади. Бироқ бу “рахмдлллик” қайсг адабиётшуноста учрамайди! Ҳолис баҳо беришни истагандан ҳар кимга тирғалиб, кун ора “дор остига” боравермайсан-ку...

Адабиёт — санъат тури бўлганидан, аслида ёзувчилик ҳам — устачилик. Бир нарса юзага келгач, апрофдагилар фикрини билгинг келсин. Икки-уч асаримни қўлэмала Қозоқбой Йўлдошевга ўқитиб олганман. У ҳар гал асарни меҳр билан, аммо шу қалар чуқур таҳлил қилганки, унинг мулоҳазалари бўйича қайта кўриб чиққанман ва ундаг миннатдор бўлганман.

Дарвоқе... Қозоқбой кўнпинча “оға” деб мурожаат қилишига қарамай, биз ошна-оғайнигарчилик қилмаймиз. Бизда бунга на ортқиқа вақт, на имкон, на хоҳиш топилади. Биз фақатки, катта даврада юрган дўст-биродаримиз.

Омон МУХТОР,
ёзувчи.

ОЛИМНИНГ АНГЛАШ ЙЎЛИ

Қозоқбой Йўлдошнинг 2006 йилда нашр этилган “Ёниқ сўз” китоби “Англаш йўли” деб аталган боб билан очилади. Назаримда, бу бежиз эмас, бу сўзлар айнан таниқли адабиётшунос олим ва педагог Қозоқбой Йўлдошнинг бутун ҳаёт ва ижод йўлини белгилашга қодир сўзлардир. Ҳа, олимнинг ҳаёт ва ижод йўлини англаш йўли, деб номлаган бўлардим. Мирзаўл кенгликларидан ўтган болалик, талабалик, кейин мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси, аскарлик заҳматлари, техника билим юртида ўқув бўлими мудири, директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси раёонида инструктор, раёон касба уюшмаси раиси, қолхозда партком, Гулистон давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, факультет декани... Қори Ибней номидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий талқинот институтида бўлим мудири, директор ўринбосари, сўнг Ўзбекистон Миллий университетида ўзбек филологияси факультети декани, кафедра мудири, профессор... Бу турфа мансабларнинг ҳар бири умр пилланояси, улар замирида не-не изланишлар, изтироблар, машаққатлар, тўқилган қора терлар, қисқаси, инсон қисмати ётади.

Қозоқбой билан яқиндан танишиб, дўстлашганимга йигирма йиллар бўлди. Чамамда. Қадрдон дўстларимиз, таниқли адабиётшунослар: Акрам Каттабеков билан Умрзоқ Ўлжабоевлар биз бир турмух ижодкорларини Гулистон университетида бўладиган учрашувга тақлиф этишди. Ўша пайтлар бундай учрашувлар яхши урфга айланган. Ўшада Қозоқбой билан танишдим, жуда деди, фикрини шартга-шартга айтганидан, билимдон ёш йигит менга ҳуш келди. У — Шаҳе эди.

Дўстлашиб кетдик. Шуниси қизиқки, у ўшада қандай бўлса, кўз ўнгимда ҳозир ҳам шулай. У интизомни қаттиқ тутали, қизиқувчан, кўп ўқийди, ҳаммага талабчан, лекин ҳаммадан ҳам кўра ўзига кўпроқ талабчанлиги ижоддан кўриниб туради. Ваъдага вафо қилувчи инсон. Бир ишни бошласа, албатта, охирига етказди: бу, умуман, инсоннинг энг зўр фазилатларидан бири. У ҳар бир иш қонун ва адолат юзасидан адо этилиши керак, деб ҳисоблайди. Ҳаётини тажрибалар унинг бу тушунишасини яна ҳам

чуқурлаштирди. Агар қимдир бирор ишни бепарволик қилиб адо этмаса, нега бу иш рисоладегик бўлмади, ахир бу унинг ислоҳоти эди-ку, дея ҳайрон қолади, болаларча соддалиги ҳам йўқ эмас. Бировларни деб эзу ишлар қилмоқ интига дашномларга қилиб ҳам юради. Навоий ҳам, бировга бир яхшилик қилиб, ортдан ўн ёмонлиқни кутиб турмоқ қисматдир, деб бежиз айтмаган эдилар.

Мен унинг Гулистон тумани “Қизил тоғ” қолхозини партия танкилоти секретари бўлиб ишлаганида кечлари ухламай хирмон бонига бўлганлари, кўйиб-ишлаганлари, белгиланган иш қилинмай қолган бўлса, айбдорлардан астойдил ёзириб, топирилган вазифанинг бутун моҳиятини англаб етмаганига таажублангани, муҳим ишни бажармаслик ҳам мумкинми, дея самимий ҳайрон қолганларини тасаввур қиламан. Бу — масъулият ҳисси, у инсонда тўғра бўлади. Масъулият ҳиссини чуқур туйган инсоннинг фарзанди ҳам худди шундай, қондан қонга ўтали, жавобгарлиқни ҳис етдирган киши бўлиб етишади...

Қозоқбойнинг олим сифатида икки қаноти бор — педагогика ва адабиётшунослик. Янгиланган “Адабиёт” дареликларини яратиб ишчи туруҳининг даставвал аззоси, кейин раҳбари бўлган педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошнинг хизматлари алоҳида эътирофга сазовор. Янгида дареликларини шакллантириш жуда муҳим муаммолардан ҳисобланади, бунда тарозига баробар тош қўйиб адолат билан иш юритиб лозим... У бир неча синфлар дареликларини муаллифларидан, дареликлардан қандай фойдаланиш усуллари ҳақида “Ўқитувчи китоби”, “Адабий сабоқлар” номли оригинал методик қўлланмалар яратган.

Қозоқбойни кўп ўқийди, дедим, бу — ҳақиқат. Танқидчининг энг асосий фазилатларидан бири, аввало, унинг таҳлил этаётган асарини синчиклаб ўқиб чиқишидир. Академик Матёқуб Кўпжонов кўзи хираланиб қолганидан, катта-катта романиларини қиссатга ёзириб, энгитиб сўнг улар ҳақида мақола ёзди. Лекин бошқа хал танқидчилар ҳам бор. Танқидчилардан бирининг ҳет торинмай: “Фалончининг китоби ҳақида биз матбуотда фикр билдириб ўтганим, яқинда бизга ўша китобини тўғра қилиб қолди, ўқиб чиқдим... меҳду прочим, ничего...” деганини эшитганим. Бу, албатта, нонисофликдан бошқа нарса эмас. Яна бир танқидчи кимнингдир асари ҳақида юзакки фикр билдирганини кўриб: “Асарни ўқиб кўрдимизми? Жуда ажойиб асар!” — деганларида:

“Уқимсам ҳам биланми, бу асар бўлмайди, шунинг учун шундай ёздим!” — деган экан. Ўзим билан боғлиқ бўлган бир ҳолисани ҳам айтиб ўтай. Менинг ижодим ҳақида ўз вақтида ўз кўнглининг амри билан кутаришқи мақола ёган бир танқидчи, сўнги қатъон йилларида ишдан кетиб, матбуотда ҳар хил даъволар эшитиб, илқ сўзга муҳтож бўлиб юрган пайтларимда — бу ҳаёт-да! — бир мақола битиб, унда Муҳаммад Али ижодида, аввал жуда баланд баҳо бериб юборган эканман, деб ўз қилган хатосидан афеусланиб ёзиб чиққанига ҳам шўхил бўлганман...

Хайриятки, бундай танқидчилар озчиликни ташкил қилади.

Назаримда, ўқимасдан ёзини кенг тарқалган ҳолат шекилли, Қозоқбойнинг ўзи ҳам “Янгилашни мунтазамлиги” мақоласида шунга диққатин қаратади: “*Энди эса ҳар бир насерий асарни синчиклаб ўқимай туриб, у ҳақда фикр юритиш мумкин бўлмай қолди...*” — деб ёзди.

Ёдима бор, 1991 йил Дурмондаги ижод уйида дам олардим, шу ерда бир гуруҳ олимларимиз янги дарсликлар устида ишляётган эканлар. Уларнинг ичида Қозоқбой Йўлдош ҳам бор эди. Боғин айландик, суҳбатимиз куюқлашиб кетди. Шунда Қозоқбойга бир истақ билдирдим:

— Сизда катта имконият борлиги кўриниб турибди. Харакат қилсангиз, кўлинигиздан кўп ишлар келишига ишонаман. Дарсликлар яратини яхши. Керак, албатта. Лекин сиз адабиётшуносликка кўпроқ эътибор қилинг. Шундай ёзингки, келажакда адаб ва шоирлар бироқ асар ёза. Қозоқбой Йўлдош ўқиса, нима дер экан, қандай баҳо бера экан, деган ўй билан қарайдиган даражага етишишгизни истардим. Ана шунга интилин керак...

Олим чиндан ҳам тинимсиз ўқиб-ўргатди, жаҳон адабиёт дурдоналарини муталаа қилди, толмай изланди. Юқорида айтилганидек, унда масъулият туйғуси кучли эди, ана шу туйғу Қозоқбой Йўлдошнинг бугунги адабиётшунос олимларимизнинг олдинги сафига олиб чиқди.

Бугунги кунда ижодкорларимизнинг, хоҳ кекса бўлсин, хоҳ ёш, Қозоқбой фикри билан қизикчиларини, у билан ҳамсуҳбат бўлишга, маслаҳатларини олишга интилишларини кўриб ўша суҳбатимизни эслайман.

Адабиётни тушуномқ катта масъулиятдир. У таҳлил қилаётган

асарини аввал яхшилаб ўқиб чиқади, кейин ёзди. “*Безовта қалб безовта дарди, безовта даража туйғуларини пайдо қилади*”, — дейди олим. У ижодкорнинг рақибни ҳам, ҳабиби ҳам ўз кўнгли эканлигини алоҳида ургулайди. У асардан кир қилармайди, балки йилт этган бўлса-да, нур тоғини ҳаракат қилади ва топади. Ўша нурни ўқувчига кўз-қўлашга шошилади.

Истиқлол адабиёти қаламлари ҳақида фикр юритар экан: “...*истиқлол адабиётининг идишлари халқимиз ҳаётининг анча паридаси босқичларига, қатламларига бориб етадиган даражада теран... ҳатто айтиш мумкинки, бу адабиёт маълум даражада истиқлолни маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлади, одамларнинг қалбини ана шу юксак туйғуларини қабул эти оладиган даражага келтирди*”, — деган хулосага келади олим. Бу фикрлар эътиборга сазовордир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Ёнқ сўз ёғдуси” мақоласидаги ушбу сўзлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: “Мен Қозоқбой ижодида ўзбек адабиётшунослигидаги янги ва кўнглига хуш келадиган тенденцияларни кўраман. Олимнинг яна бир фазилати шундаки, у бадний асар ҳақида фикр юритар экан, авваламбор матнга таянади ва илмий хулосаларини матндан келтириб чиқаради”.

Умр чоғида от экан, Қозоқбой Йўлдош ҳам табаррук олгини ёшни қоралабди. Олгини ёш — инсон умрининг энг қаймоқ боғлаган, ақл-ю зеҳни тўлишган фасли, дейдилар. Адабиётимизнинг заҳматкашларидан бири бўлган олим дўстимизнинг қалами яна ўткирлашиб бораверсин, деймиз. Зеро, англаш йўли уни ижоду илмнинг катта йўлига олиб чиқмоқда.

Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат муҳофизати лауреати.

КУРАШЛАРДА ЧИШИҚҚАН

Мустақиллик арафасида СССРдаги барча тобеъ халқларнинг ҳақиқий эълоларини ўз халқларининг маънавий ўлим қизигига яқинлашиб қолганини ҳақиқатга таниш жуда азобларди. Маънавий ўлим дегани бу халқнинг ўз тақдирини алоҳида муҳим масала сифатида қўйиб туриб фикр юритиш қобилиятини йўқотгани деганидир. Яъни, мисол учун, ўзбекни олиб, ҳўш, у бир вақтлар турк деб аталган ва қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, татар, бошқирд, озарилар билан битта эди.

Ҳўш, нега бу — битта, бир хил бўлган, ораларидаги ҳар қандай муаммони ўзро ҳал қилдиган одамлар бугун бир-биридан бетонасирайдиган, қозиликка ташқаридан "улуғ оғ" чақирадиган бўлиб қолинди? Бу қозилик ҳужалик, жанжал масалалари билан чекланмай, маънавий жаҳонни, тарих масаласини ҳам ўз ичига олди. Юқорида айтилган бирлик уч минг, тўрт минг йиллардан ошиб, неча хил дину эътиқодлардан ўтиб келарди. Негат бугунга келиб, биз яна бир-биримизга топ оғамиз? Жудат чигалдай кўринган бу саволнинг жавоби аслида анча осон. Фақат бу саволни бериш қийин эди.

Қозоқбой Йўлдошевни мен ана шундай савол устида кўн ўйлайган миллат эълоларидан, деб биламан. Асл эълонинг ўйлаши динломли ва унинг хизматкорниқидан шунинг билан фарқ қиладики, хизматкор бу масалаларни ўйламайди, асосан, бу масалаларни йўқ, деб ҳисоблайди. Буюк шоир Доғларжи айтгандек: "Илгари қуллар ўз хожаларининг ағудларини, тапаларини елкаларида кўтариб юрардилар. Ҳозир қуллар ўз хожаларининг юлларини елкаларида кўтариб юрардилар". Ана шу "хोजа"ларнинг ғоясида эса ўзга халқларга ўзларини ўйлаш — миллий маҳдудлик, миллатчилик, пантуркизм деб аталар ва унга энг қабиҳ, энг чиркин, энг разил, ўлимга сазовор жипоят тамгаси қўйилган. Моҳияти жиҳатидан бир хил бўлган "панславянизм" елкаларда, бошларда эди-ю, пантуркизм оёқ остида топталарди. Гўё ўз онангини бошқалардан яхшироқ кўриш айбод...

Совет даврида ёзувчи-шоирларнинг меҳнат кишилари билан учрашувлари режали ва сурункали ўтказиларди. Утган асрнинг 80-йиллари бошларида марҳум шоирлар: Рауф Парфи, Сафар Барнолар билан Сирларё миллиятга ана шундай учрашувга бирга борталдим. Қозоқбой билан ана шу сафаримда илк бор кўришганим.

Учрашувлардан кейин улфатчиликлар бўларди ва гарчи, меҳмонхонада жойлари тайин бўлса-да, меҳмонлар кўнрақ алабиёт муҳлислариникида ётиб қолардилар. Бизан бу "ётиб қолин"лар топотар суҳбатга айланб кетарди. Ушайдай топотар суҳбатлардан бири Қозоқбой Йўлдошевникида бўлган. Унда оқном танининг бошвоқсиз кўчаларидан бири — юқорида айтилган миллат тақдир кўчасида ҳам кўн санқигандик.

Шунда эндигина номзодлик илмий даражасини олган Қозоқбойни Тошкентга ишга ўтишга ушлаганим эсимда. "Шоирлар провинцияларда туғилиб, Парижда яшайдилар (аслида ўладилар)" — деб кўн гапиргандим. Раҳматли Акрам Каттабеков ўзига қадрдон мутахассисдан ажралишни истамай, менинг фикримга қарши бўлган. Не бир ҳаётий сабаблар билан Қозоқбой устозидан сал аввал Тошкентга келди. Олдин Қори Ниёзий номидати Педагогика фанлари илмий текшириш институтида, кейин ЎЗМУда ишлади. Билим ва тажрибаси билан катта обрўга эга бўлиб, олим ва инсон сифатида тўқисликка эришди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, ўрта мактаблар учун янги дареликлар тайёрлаш масаласи пайдо бўлган. Шунда адабиёт бўйича дареликлар тайёрлашга бошқа олимлар қаторида Қозоқбой Йўлдошев ҳам жалб этилди ва у бу ишни, менинг назаримда, яхши бажарди. Янгишмасам, олтинчидан ун биринчи синфгача бўлган дареликлар Қозоқбой иштирокида яратилиб, қатор йиллар давомида миллий мактабларимизда қўлланилди. Чунки Қозоқбой кўн йиллар мактабда дарс берган, докторлик диссертацияси бевосита адабиёт ўқитиш муаммолари билан боғлиқ эди. Олдинга бу иш унча жиддий қаршиликка учрамай, анча сидлиқ кетди.

Кейинчалик, мактаб дареликларига мўмай пул туланилган бўлгач, бирданига ўқувлик ёзиш бўйича мутахассислар кўнпайиб қолди. Уларнинг баъзилари лавозимдор эди. Уларнинг айримлари Қозоқбойга шериклик таклиф этилди. Қ. Йўлдошев бу таклифни рад қилиб, ўз ишини қилаверди.

Мансабдорлар жим туринмади, турли паст-баланд гаплар бўлди ва ниҳоят улар Қозоқбойнинг дарелигига катта айб сифатида Туркистон улуғланганини кўйишди. Бу пантуркизм деган айбловнинг яхшироқ кўриниши эди. "Янги дареликчи" азаматлар отагини шоир Шавкат Раҳмоннинг "Туркийлар", марҳум Рауф Парфининг "Туркистон ёди", "Қўлпон", қорақалпоқ поэзиясига ўзига хос оҳанг олиб кирган Бахтиёр Кенжамуроднинг "Медехон", 30-йилларда репрессия қилинган қозоқ шоири Мағжон

Жумабойнинг “Туркистон” каби асарларини ўрта мактаб ўқувчиларига ўргатишни тавсия қилганилиги учун Қозоқбойни айбдор қилишга уришдилар.

Қарағ-а! 1924 йилда Балхаш, Каспий, Кавказ, Эрон, Хитой оралигиндаги юрт — Туркистон деб аталарди. Босқинчи империя шунча катта майдондан, не-не пуллар сарфлаб, қонлар тўкиб, хизматкорлар тайерлаб Туркистон сўзини ўчирса-ю, мустақил юртнинг мактаб дарсликларида “туркийлик” ва “Туркистон” гоилари ифодаланган асарлар берилса?! Бунга чидаш мумкиними? Янаям тўғрироғи, бунидан ўз мақсаллари йўлида фойдаланиб қолмаслик мумкинми?

Холбуки, Туркистон бор эди ва бўлаверади. Хатто, босқинчилар ҳам бу фактдан куз юмолмаганлар. Улар ҳарбий округнинг номиини Туркистон демаслигининг йўлини топишда олмагандилар. Лекин, нима десангиз деиғ. “Хунёр” кимсалар Қозоқбойни Туркистон ва туркийлар улуғланган асарларини дарсликка киритгани учун айбандан уялишмади. Ундан олиб қўйилган айрим дарсликлар бир қалар ўзгаришлар билан бошқилар номидан чиқарилди. “Янги дарсликчилар” Қозоқбой Йўлдошев яратган нуسخадан кўчирмачилик қилишгани ҳақида бир республика газетасида фельетон ҳам чоп этилди. Лекин ҳеч нарса бўлмагандай, ҳамма еқда осойишталик. Русларнинг Крилов ишлатган бир мақоли бор: “Васька слухает да ест”. Дарҳақиқат, айримлар мақоладаги мулук Васькага ухшаб кўнчилиқнинг норозилигини эшитаётган бўлсаларда, емтиқларини еб ётишибди. “Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузурин” деб пулни айтишса керак.

Мен Қозоқбой Йўлдошев билан мунтазам учрашиб турмасам-да, унинг ҳаёғ чигирлиқларидан ўтиб келаётганини орқаваротдан эшитиб юраман. Уни олтимин ёши билан табриклар экинман, туқсон, юз ёшларга ҳам курашларда голиб бўлиб етиб борилишни тилайман.

Зоҳир АЪЛАМ,
ёзувчи.

ИЖОДКОРЛАР ИҚРОРИ

